



Вилоятимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди

ЭЗГУЛИКНИНГ ДАСТИ САРБАЛАНД

(Давоми. Боши 1-бетда).

Она! Аслида уша турт йиллик уруш мана шу сув келса симирган, тош келса кемирган муниса муштипарнинг қалбида булмаганмиди? Ҳозир ҳам оналаримиз юрагини дардга богириб, ҳаётини кемтик қилмаптими?.. Хотира майдонини тулдирган одамларнинг нигоҳи она сиймосига қадалган. Куксида уруш оғриқлари ҳали ҳам бор фахрийларнинг кўзларида ёш томчилари пайдо бўлганига шу тонгда жуда кўпчилик гувоҳ бўлди. Бу кўз ёшлари алам йигиси эмас, йўқ, шукроналик ёшлари, озод Ватандан фахрийфтихор ёшлари эди.

Ёдгорликнинг бир томонидаги «Сен менинг қалбимдасан, жигарим» ёзувлари ҳар бир онанинг дилидан кечиб, тилига чиқди. Айниқса, Президентимизнинг шу ерга рақам этилган «Марҳумларнинг хотирасини эслаш, эъзозлаш савоб ишдир» деган сўзлари тадбирнинг мазмун ва моҳиятини акс эттириб турарди.

Сўзга чиққан Фидокорлар демократик партияси вилоят қўмитаси котиби Муҳаммаджон Раҳимбердиев, шоир Маҳмуд Тоировлар ҳар бир инсон қадр-қиммати уз урнига қўйилаётгани, бу фақат истиқлол туфайлигина мумкин бўлгани ҳақида тўқинлашиб гапирдилар. Айниқса, уруш беваси Сурунисо ая Сафарованинг кузидан ёши шаққатор бўлиб айтган, изтироб тула сўзлари минглаб одамларнинг юрагига бориб тегди:

— Мен биргина қизим билан бева қолганимда ун саккиз ёшда эдим. Шундан бери кўзларим йўлда. Вафодор бегимнинг улганига ишонмайман. Уруш нималигини, унинг азобини, фронт ортидаги меҳнат қандайлигини мен жуда яхши биламан. Энди уруш бўлмасин. Энди куксимизга шамол текканда кўрган яхши кунла-

римиз боқий бўлсин. Юртбошимизга узоқ умр тилаймиз. Ҳаммамизга тинч кунлар ҳамиша насиб этсин.

Мана, биринчи гул онанинг муқаддас пойига қўйилди. Ҳамма уша томонга интилди. Уруш фахрийлари онага таъзим бажо этдилар. Бу таъзим аёл бардошига, аёл матонатига, аёл садоқатига, меҳрига қилинган таъзим эди. Сал фурсатдаёқ онанинг пойи гуллар билан тулиб кетди.

**Ҳамманинг юзида ҳоким ҳаяжон, Дилларни хотира айлаганди банд. Дер гўё тошқотган мунис онажон: «Фақат эзгуликнинг дасти сарбаланд!»**

— Хотира ва Қадрлаш кунинда, — деди меҳнат фахрийси Асом Зиёматов, — аввалгидек расмиятчиликлар, йиғилишлар бўлмади. Тонгданоқ мангу хобгоҳга одамлар ташриф буюришди. Уша ердаги ораста қабрлардаги гулларни кўриб, тўқинлашиб кетдик. Асли қадр-қиммат, ёдлаш шу-да!

Кукси мардлик нишонлари ила тула мўйсафид отахоннинг «Онамга ухшайди кўзлари унинг», деганини бир мен эмас, кўпчилик эшитган бўлса керак. Ушбу анжуманда, иштирок этган Фрайбург шаҳридан келган меҳмон, олима, Олмония — Ўзбекистон этнография экспедицияси бошлиғи Габриелле Хеллерхонимнинг: «Нафақат юртингиз учун жон фидо қилган шахидлар хотирасига, балки, шу хотирани салкам эллик беш йилдан бери ардоқлаб келаятган узбек халқига чуқур таъзим бажо келтираман», деган сўзлари эзгу одатларимизнинг нақадар файзиблагининг тасдиғи бўлди.

Фахрийларнинг дилкаш сўхбатлари, утмишлари ҳикояси билан янада уйғун касб этди ва тўқин дастурхон атрофида, бир пиёла чой устида узоқ вақт давом этди.

**Суратларда: Паркент ва Зангиота туманларида бўлиб ўтган тадбирлардан лавҳалар.**

Даврон АҲМАД олган суратлар.

НЕВАРАЛАРИМ БИЛАН ЗИЁРАТГА КЕЛАМАН

республикамиз пойтахтида бунёд этилган Хотира майдониди танишиш мумкин. У фақат уруш майдонларида эмас, шу билан бирга юртимиз мустақиллиги учун қоризм, қизил империяга қарши курашда шахид кетган аждодларимиз эсга олинган муқаддас қадамжо ҳисобланади. Бутун ўзбек халқи каби ангреликлар ҳам республикамиз Президентининг Хотира ва Қадрлаш кунини жорий этиш, Мустақиллик майдонидида ёдгорлик мажмуини шунга мослаб қайта қуриш ҳақидаги ташаббусини тўла ва бажонидил қўллаб-қувватладилар.

Албатта, Хотира майдони жаҳон халқлари назарига тушган ажойиб зиёратгоҳ обидаларимиздан бири бўлиб қолади. Шунинг учун мен ҳам фарзандларим ва набираларим билан биргаликда бу майдонни зиёрат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Улар ҳам халқимиз озодлиғи, юртимиз мустақиллиги учун жон-фидо қилган ватандошларимизни билиб қўйишларини истайман.

Изомиддин ИСОМИДДИНОВ, меҳнат фахрийси, Ангрел шаҳри.

ҲУРМАТ ҚИЛГАН ЭЪЗОЗ ТОПАР

ЯНГИЙҮЛ тумани маркази ва унинг барча қишлоқ-кўрғонларида Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланди.

Унда барча корхона-ташкilotлар, муассасалар ва хўжаликлар жамоалари, маҳаллалар аҳолиси фаол қатнашди. Айёмнинг мазмунли, серфайз ўтишига қаратилган ишлар анча илгари бошлаб юборилди. У дастлаб А. Ортиков қишлоқ фукаролар йиғилишида нишонланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари дастурхон атрофида тақдир қилинган. Улар эл-юрт фаровонлиғи йўлида фидокорона

меҳнат қилган, уруш майдонларида халок бўлган ҳамқишлоқларини эсга олдилар, уларнинг руҳи покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилдилар. Фахрийларга совғасаломлар улашилди. Шундан кейин бундай тадбирлар бошқа қишлоқларда ҳам бўлиб ўтди. Уларда ҳам фахрийлар ҳурмат-эътибор билан қўраб олинди. Ҳаммаларига моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги вақтда туманда

икки ярим минг атрофида уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилмоқда. Урушда халок бўлганлар ва меҳнат жаҳасида ҳурмат қозонган, қадр-қиммати юртида азиз бўлган ажойиб инсонлар шарафига бунёд этилган янги ёдгорлик ёнида туман бўйича маросим ўтказилди. Бу ерда савдолар уюштирилди, умумий оқатлашиш корхоналари ишлаб турди, тумандаги барча қишлоқлар фахрийлари вакиллари учун дастурхон ёзилди. Бу куннинг мазмуни ва моҳияти ҳақида сўхбатлар бўлиб ўтди.

Даврон АҲМЕДОВ.

ЧИНОЗДА ЯНГИ ХИЁБОН

ЧИНОЗЛИКЛАР маънавият ва ёшлар тарбияси борасида яна бир имкониятга эга бўлдилар. 9-май куни туман марказида «Хотира хибони» очилди.

Уни барно этишда ҳудуддаги корхоналар, хўжаликлар, ташкilot ва муассасалар фаол қатнашдилар. Умумхалқ байрами —

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш учун хибонга ташриф буюрган меҳнат ва уруш фахрийлари ҳамда жамоатчилик вакиллари олдиди

туман ҳокими Рустам Ҳолматов сўзлаб, тирикларга ҳурмат, эҳтиром, халок бўлганларни ёд этиш рамзи ҳисобланган бу зиёратгоҳда бундан буён турли сермазмун тадбирлар мунтазам ўтказилиб туражалигини таъкидлади.

Орзиқул МАЪМУРОВ.



«ТОШКЕНТ» НАВИНИНГ МУАЛЛИФИ

Ҳар гал пахтачилик, нав, уруғчилик муаммоси ҳақида сўз борганда, беихтиёр таниқли олим, қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори Содик Мираҳмедов ёдга келади. Бу бежиз эмас, албатта.

УЗОҚ йиллар давомида пахтачиликнинг ўзаги бўлиб келган машҳур «108-Ф» нави куч-қувватдан қилиб, унинг ўрнига жорий қилинган бошқа навлар ҳам касалликка чалиниб, яхши ҳосил бермай қолган, оқибатда вилоят пахтачилиги ноқор аҳволга тушаётган бир пайтда — 60 йилларда ёш олим Содик Мираҳмедов томонидан яратилган, вилт балосига чидамли ва энг муҳими эрта пишар, машина терими-га мос, тола чиқими яхши деб тан олинган «Тошкент» нави пахтачилик уфқида ёрқин юлдуз бўлиб қолди.

Лаборатория шароитида кашф қилиниб, дастлаб Янгийўл туманидаги ҳозирги «Тинчлик» (собиқ «Коммунизм») жамоа хўжалиғида уша пайтдаги раис, меҳнат қаҳрамони Маҳмуд Исмаиловнинг бевосита кўмаги, жонқурилиги, қўллаб-қувватлаши, амалий ёрдамида дала шароитида муваффақиятли синаб кўрилиб, сўнг оммавий экишга тавсия этилди. Ҳеч мубалағасиз айтиш мумкинки, вилоят пахтачилигида кескин бурилиш рўй бера бошлагани.

Ҳақиқатни айтишда бундан аввал, пахта етиштиришнинг уша вақтдаги илгор усули — «Тошкент технологияси» ҳам бевосита ана шу навинг жорий этилиши билан боғлиқдир. Бироқ, олимга осон бўлмаган. Мен уша пайтда мазкур жамоа хўжалиғининг тарихини ёзиш билан

та етилади. Энг муҳими — гўза туллари калтабақай, машина теримига мос бўлиб ўсади. Агарда кўсаклари 80-90 фоиз очилганда машиналар ишга солинса, гектаридан биринчи теримнинг ўзадаёқ 25, ҳатто 28 центнергача ҳосил йиғиштириб олинади. Демакки, пахтачиликнинг ёшларга қолдирмай териб олиш, режани анча барвақт уддалаш имконияти туғилади.

Табиики, навинг бу хусусиятлари хўжаликларга катта даромад келтирди, иқтисодини мустаҳкамлаб олишлари учун асос бўлди. Шунинг учун ҳам бу наф фақат вилоятдагина эмас, ҳатто, республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам машҳур бўлиб кетди.

Эсимда. Сўхбатлардан бирида Содик ака «Ҳар қандай янги, мақбул наф ҳам узози билан олти-етти йилгача яхши ҳосил беради, сўнг айниши турган гап. Шунинг учун биз, олимлар кифоялашиб қолмасдан, янги навлар устида ишлашни давом эттираверишимиз керак», деб айтган эдилар.

Олим ҳаётлик даврида ва кейинчалик ўзи ишлаб меҳнат қилган пахта уруғчилиғи ва селекцияси илмгоҳига раҳбар бўлган кезларида анча ишлар қилди. Бироқ, «Тошкент» навини яратиш, уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ машаққатли ишларнинг асорати соғлиғига ози-қўлми пўтур етказган эди. Ҳаётдан эрта кўз юмди.

Лекин у яратган янги навлар, уруғчиликка оид илмий ишлари ва рисоалари қишлоқ хўжалиғи фанини ривожлантиришга алоҳида ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг порлоқ хотирасини абадийлаштирдим.

Носир РИХСИЕВ.



ЯШАМОК АСЛИДА ХОТИРА ДЕМАК

ЗАНГИОТА туманидаги «Бўзсув» жамоа хўжалиғининг марказий кўрғонидида ҳам 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунинда Муңгли она хайкалининг очилиш маросими бўлди.

Хотира майдонига одамлар оқиб кела бошладилар. Ҳамманинг юрағиди, юзида узгача зоҳир от. Айни пайтда йўналиш излари шудқоқина кўриниб турирди. Шодлик — бу қадр-қиммати — туйиш бўлса, уйчанлик эса — шу бахтиёр кунларга етиб келолмаган инсонлар хотирасидир.

Нуроний ўрус отахон: «Айтиб беролмайсизми, кимга хайкал қўйилди?», деб сўради. Унга бошқа отахон: «Ўзбекистон онасига», деб жавоб берди.

Зангиота тумани ҳокими Ҳасан Нурматов Хотира кунига бағишланган улкан маросимни очар экан, бу кунга атаб туманда катта ишлар бажарилганини таъкидлади. Муңгли она хайкалининг яратувчилари — хайкалтарош Илхом Жабборовдан тортиб, қурувчиларгача миннатдорчилик изҳор этди.

Вилоят ҳокими У. Мирзақуллов бугунги Хотира ва Қадрлаш кунининг аввалги байрамлардан фарқи, урушда номаълум аскар бўлмагани, улар ўзбекларнинг боласи, Ўзбекистон фарзандлари эканлиғи хусусида сўзлади.

Вилоятимиздан юз минг киши урушга жўнаб кетган эди, — деди нотўқ уз сўзида. — Улардан 33 минг киши она юртига қайтиб келмади. Уларнинг яна беш-олти мингга яқини урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида, уруш жароҳатлари туфайли ҳаётдан кўз юмдилар. Бугун омон юрган фахрийларимизнинг қадрини била-нд тугиш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Хотира майдони узра ҳазин мусика садолари янгради. Оплоқ чойлаб кўтарилгач, гапнинг онанинг муборак сиймоси тева-рак-атрофни янада чарогон қилиб юборгандек бўлди. Ҳамма уша томонга интилди.

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш учун хибонга ташриф буюрган меҳнат ва уруш фахрийлари ҳамда жамоатчилик вакиллари олдиди

Хотира ва Қадрлаш куни вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам кенг нишонланди. Ўтказилган тадбирларнинг ҳар бири иштирокчиларда олам-олам таассурот қолдирди. Энг муҳими Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизга яна бир хайрли, савобли, эзгу аъмоқ кириб келди. Халқимиз уни чин кўнглидан қабул қилди ва қўллаб-қувватлади.

Бу бежиз эмас. Зеро, хотира — тарих, қадрлаш — келажакдир. Татбир жоиз бўлса, шу кунги қабростонлар муқаддас қадамжого, кексаларимиз яшаётган хонадонлар зиёратгоҳга айланди. Биз бугун амалга ошираётган бу эзгу ишлар утганлар руҳини шод этиш билан бирга келажакка — ёш авлоднинг маънавий тарбиясига яна бир ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳа, Юртбошимиз айтганларидек: «Хотира деганда биз бу фойиб дунёдан утган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамаз. Бу халқимизга хос азалий фаизлатдир». «Қадрлаш дегани — бу аерлар давомида она дилримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолнинг, эркин ва фаровон ҳаётини, мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир».

Дунёда бундан улугвор ва эзгу мақсад бўлмас керак.



